

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Андижон давлат тиббиёт институти

АХБОРОТ ХАТИ

Ҳурматли ҳамкасблар, тақдиротчилар, магистрлар ва талабалар!

Андижон давлат тиббиёт институтида 2019 - йил 25 - апрель куни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”га бағишланган “Тиббиётнинг долзарб муаммолари” мавзuida ёш олимлар республика илмий-амалий видеоконференцияси ўтказилиши режалаштирилган.

Анжуманда иштирок этиш учун қўйидаги йўналишларда тезислар қабул қилинади:

1. Ички касалликлар;
2. Жарроҳлик йўналиши;
3. Акушерлик-гинекология ва педиатрия;
4. Тиббий-биологик фанлар.

Видеоконференциянинг расмий тили: ўзбек, рус ва инглиз тиллари.

Маъруза тезислари видеоконференциянинг “Электрон тўплами” да чоп этилади.

Тезисларнинг ҳажми тўлиқ 1 бетдан ошмаслиги, Word 2003-2010 форматида, А-4 ўлчамдаги оқ қоғозда қатор оралиғи 1,0 интервал, юқори ва пастки чегаралари 2 см, чап ва ўнг чегаралари мос равишда 30 ва 15 мм бўлиши лозим.

Материал қўйидаги тартибда жойланиши керак:

Тезис номи (Times New Roman – 12 шрифтда (йўғон) ва бош ҳарфларда) бўлиши керак.

- Ф.И.Ш. (Times New Roman – 12 шрифтда (йўғон) бўлиши керак).
- Муассаса номи ташкилот (Times New Roman – 12 шрифтда (йўғон) бўлиши керак).

Матн тузилма долзарблиги, мақсад ва вазифалар, қўлланилган усуллар, олинган натижалар, муҳокама, хулоса – (йўғон) шрифтда акс этирилган ҳолда топширилади.

Тезислар 2 та нусхада топширилади: Биринчи нусха тоза, иккинчи нусхада муаллифларнинг Ф.И.Ш. тўлиқ ёзилади, имзоси ва телефон рақами берилади. Шу билан бирга муассасадан йўлланма хати ва экспертиза хулосаси берилиши керак.

Видеоконференцияга ёш олимлар, магистрлар ва талабалар тезислари қабул қилинади. (муаллиф ёши тезис берилётган вақтида 35 дан юқори булмаслиги керак). Илмий ишларни танлаб олишда уларнинг долзарблигига, мақсад ва вазифаларнинг аниқ белгиланганлиги ва хулосаларнинг исботланганлиги ва бошқа бир қатор жиҳатларга эътибор берилади.

Тезисларни қабул қилиш охириги муддати 28 - март 2019 - йил. Кўрсатилган муддатдан сўнг келган тезислар қабул қилинмайди!

Тезислар қўйидаги манзилга юборилиши керак:
710000, Андижон шаҳар, Юсуф Отабеков кўчаси 1- уй. АДТИ, “Ёш олимлар Кенгаши”
Мадумарова Махфуза Максимовна.

Мурожаат учун тел. рақамлари :

0(374)223-94-70, +998 91 167 18 46. E mail : asmi55sss@umail.uz

(Ёш олимлар видеоконференциясига деб кўрсатилиши лозим).